

Москва ва бутун Русь Патриархи КИРИЛЛнинг  
Рус Православ черковининг архипастирларга, пастырларга,  
диаконларга, монахларга ва барча содик фарзандларига  
Христос Туғилишнинг байрамидаги мактуби.

Муқаддас архипастирлар, ҳурматли оталар, ҳурматга сазовор иноклар  
ва инокинялар, азиз ака-укалар ва опа-сингиллар!

Сизнинг барчангизга, турли давлатларда, шаҳарларда ва қишлоқларда  
яшаб туриб, Ягона Рус Православ Черковини ташкил этишингиз учун, мен  
ушбу муқаддас тунда мурожаат қиламан, ва сизларни олам қутқарувчи  
Христос Туғилишнинг байрами билан чин кўнгилдан табриклайман.  
Азизларим, мен сизларни чин юракдан қутлайман ва дуо ўқиб, барчамиз  
ушбу байрамда биргаликда иштирок этганимиздан умрбоқий шодликка  
тўлиб, Худонинг ўқиллари ва қизлари, ҳамда Христоснинг дўстлари  
сифатида дин базмидан лаззат олишимизни тилаб қоламан (Ин. 15, 15)

Бугун Худонинг намоён бўлиши сирини кузатиб туриб, биз икки минг  
йил аввал Вифлеем шаҳрида юз берган воқеанинг маъноси қандайлигини,  
ва у воқеа бизга, бизнинг замондошларимизга қандай дахл этишини  
тушунишга уринамиз.

Муқаддас апостол Павел шундай ёзади: «Вақт тўлиқ бўлган он  
етганда, Худо ўзининг (Туғишган) Ўғлини юборди. У аёлдан туғилди,  
қонунга бўйсунди, қонун остидагиларнинг гуноҳларини ювиш учун, биз  
ўғилликка олинишимиз учун» (Гал. 4, 4-5). Бу вақт тўлиқ бўлган ондан  
аввал нима бўлган? Христос Рождествосигача бўлган бутун инсоният  
тарихи аслида Худони излаш тарихи бўлган эди, бунда энг аъло тафаккур  
эгалари ҳаётдаги мавжудлигини ҳар бир киши у ёки бу тарзда сезадиган  
ушбу ғайритабиий кучнинг манбаи нима эканлигини тушунишга уринган.

Худони излаш йўлида инсонлар, ҳақиқатни топишга уриниб, турли-  
туман йўлларга адашиб кирган. Лекин на инсоннинг табиатнинг даҳшатли  
ходисалари олдидаги ибтидоий кўркуви, на табиий офатларни ва  
маъбудаларни, баъзан эса ўз-ўзини илоҳийлаштириши, на ҳаттоки баъзида  
маъжусий файласуфларга келган санокли илоҳий фикрлар инсонларни  
ҳақиқий Худога яқин келтирмаган. Ва «олам ўз донолиги билан Худони  
билиб, тушуниб етмаганда» (Кор 1, 21), Унинг Ўзи инсонлар ёнига келди.  
Руҳий нигоҳ билан биз буюк иймон сирини кўрамыз: Яратувчи  
яратилганга ўхшатилади, инсон табиатига эга бўлади, паст даражага  
туширилади, хочга осилиб вафот этади ва яна тиради. Буларнинг  
хаммаси инсон тушунчасидан аълороқ даражада бўлиб, Худонинг  
инсонларга Ўзи ҳақида очиб, намоён этишининг тўлиқлигини очиб  
берадиган мўъжизадир.

Христос туғилди – ва олам умидга эга бўлди. Христос туғилди –  
муҳаббат умрбоқий ҳукмрон бўлади, Христос туғилди – ва осмон ерга

эгилиб салом берди, Христос туғилди – Вифлеем Юлдузи Худо сари ҳаққоний йўлни кўрсатади, Христос туғилди – ҳеч ким ҳеч қачон ёмонлик ҳукм суришига ишона олмайди, чунки биз иймон орқали эзгулик билан қутқариламиз, бу биздан эмас, Худонинг берган неъматидир. (Еф. 2, 8).

Мессия келишини кутиб ва олдиндан кўриб, Исаяя пайғамбар шундай деган: «Худо биз билан!» (Ис. 8, 10). Унинг худо руҳи билан йўғрилган сўзлари ҳозиргача миллионлаб христианлар учун улкан шодлик манбаидир. Вифлеемда туғилган Худо бизнинг юракларимизда туғилади ва агар биз унга, у асос солган Черковга содиқ бўлсак, биз билан бўлади. Биз эзгу ишларни қилганимизда, у биз билан биргадир. Биз яқинларимизга ёрдам берганимизда, у биз билан биргадир. Биз хайрихоҳлик қилганимизда, раҳмдиллик қилганимизда, у биз билан биргадир. Биз душманларни мурасага келтирганимизда, у биз билан биргадир. Биз кечирганимизда, ёмонликни унутганимизда, у биз билан биргадир. Биз дуо ўқиганимизда ва черков Сирларида, айниқса – Миннатдорчилик Сирида, Муқаддас Евхаристияда иштирок этганимизда, у биз билан биргадир.

Христос Туғилишнинг байрами бизга энг асосий нарсани билдиради: биз Худони яхши кўриб, Унга, бизни Қутқарувчига, бу қутулиш иложини барча халқларга, барча замонлар учун берган ҳозир ҳам ҳар биримизга Ўз кучоғини очиб берувчи Зотга хизмат қилишни ўрганишимиз шарт. Худога астойдил иймон билан қараб, Унинг олдида юзма-юз туриб, биз шу билан бирга ўз яқинларимизга хизмат қилишни, муҳаббат билан иш тутадиган иймонни амалга оширишни ўрганамиз (Гал. 5, 6).

Бизга озгина нарсани яқунлаш қолди – қутқарувчи худо неъматининг бизга таъсир этишига жавобан ўз қулоқ тутишимиз, Худо сўзларига ўз ишончимиз ва Унинг сўзларини бажаришга тайёрлигимиз билан жавоб беришимиз шарт. Агар биз шу буюк ҳақиқатни ўзлаштирсак, нафақат ўзимизда, балки атрофимизда ҳам жуда кўп нарсалар ўзгаради. Биз ўз устувор қийматларимизни тўғри қўйиб чиқа оламиз, биз аввалдан ўзимиз учун белгиланган ҳаёт йўли бўйлаб сокин, тинч ва ишонч билан кета оламиз, Худога ҳамду санолар айтамыз.

Бундай кайфият ва ҳолатга эришиш учун, биз нафақат социология сўровлари учун эмас, бизнинг диндор аждодларимиз бўлганидек, ўз чуқур эътиқодимиз ва ҳаёт тарзимиз билан, иймонли ишонишимиз ва худони севишимиз керак. Аждодларимиз ичида Русь давлатини чўқинтирган, апостолга тенг бўлган муқаддас буюк князь Владимир алоҳида ўрин тутди, унинг вафотининг 1000 йиллигини биз шу йили нишонлаймиз. Айнан у туфайли биз буюк христиан унвонига эга бўлганмиз, ва жамулжамликда тарихий Руснинг православ ака-ука халқларининг ягона оиласини ташкил этамыз. Шундай бўлган, ва шундай бўлади. Ҳеч қандай вақтинча ғулғула ва синовлар, ҳеч қандай ташқи кучлар Киевдаги чўқинтириш ҳавзаси мерохўрларининг ушбу кўп асрлик маънавий ва маданий алоқаларини уза олмайди.

Бу муқаддас Туғилиш кунларида бутун черков аҳлининг дуолари ва шахсан менинг дуоларим – Украина ерларида тинчликка эришиш тўғрисида. Ўз фарзандлари қаерда яшашидан, сиёсий қарашларидан ёки фикрларидан қатъи назар, Рус православ черкови унга Христоснинг Ўзи юклаган масъул вазифаларни бажаради (Мф 5, 9). У инсонларни муросага келтириш ва уларга адоват оқибатларини енгиб ўтишда ёрдам бериш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўради.

Ҳар қандай зиддият, адоват ва бўлинишнинг замирида гуноҳ ётади. У, руҳоний Иустин Челийский сўзлари билан айтганда, «ўзининг бутун кучи билан битта нарса қилади: одамни Худосизлаштиради ва инсонсизлаштиради» (Рух. Иустин (Попович), Файласуфона жарликлар). Биз ҳам Яратувчи берган кадр-қийматини йўқотган инсон баъзида қанчалик жаҳаннам ҳолатига тушишини кўраемиз.

Черков эса Худонинг номидан, Қутқарувчининг туғилганлиги тўғрисида буюк шодликни билдириб (Лк. 2, 10), ҳар қандай ерда туғилган зотни Худога ишонишга ва яхши томонга ўзгаришга даъват этади. У юксалиш йўлини таклиф қилади: Худони иўлашдан – Худони англашга, Худони англашдан – Худо билан мулоқотга, Худо билан мулоқотдан – Худо сари ҳаракатга. Александрияда IV асрда яшаган муқаддас Буюк Афанасий ниҳоятда антиқа сўзларда Қутқарувчининг бу оламга келганлигидан шодлигини билдирди: «Худо инсон бўлди, инсон Худо бўлиши учун». Ўз табиати билан эмас, Худонинг инояти билан. Черковнинг кўп асрлик тажрибаси шундан далолат берадики, ҳақиқий туб ўзгариш, Худога яқинлик Худо ва инсоннинг ихтиёрий биргаликда ҳаракатлари воситасида, Худонинг инояти таъсир этиши билан амалга ошади. Унга эзгулик ва ёмонликни билиш дарахтининг мевасидан еб кўриб, дарҳол “Худолар каби” бўлиб қолишни таклиф қилган илоннинг шайтонларча васвасаси билан эмас, меҳнат билан, Яратувчига бўйсуниб орқали эришилади (Бытие. 3, 5). Иймон билан яшовчи ҳар бир киши шуни биладики, айнан Худога садоқат уни ёмон ишлардан ва фикрлардан ушлаб туришини, айнан иймон уни Худонинг даъвати учун ва яқинларига яхши бўлиши учун қаҳрамонликка ва меҳнат қилишга илҳомлантириб, ундашини билади.

Ҳаммангизни буюк Христос Туғилишнинг байрами билан табриклаб, чин кўнгилдан сизга аъло саломатлик, тинчлик, фаровонлик ва Худо, қутқарувчи орқасидан эргашиб ҳаёт йўлида кетаётганимизда Худодан саҳий ёрдам келишини тилаб қоламан.

Ҳар қандай иноятли худо, бизни Иисус Христос билан ўзининг боқий шон-шухрати учун чорлаган ҳолда, Ўзи.. сизларни амалга оширсин, мустаҳкамласин, маҳкамласин, қатъий қилсин. Унга асрлар оша шон-шухратлар ва ҳукмронлик бўлсин! Омин (1 Петр. 5, 10-11).

МОСКВА ВА БУТУН РУСЬ ПАТРИАРХИ

Москва,  
Христос Туғилиши  
2014/2015 йил